

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____
иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қўйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари шининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юкланиш остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

Истеъмолчи:

М.Ў. (Имзо)

Корхона:

М.Ў. (Имзо)

«ККХ ЭТК» Ант Беруний ТЭК асосида фаолият юритувчи раҳбари
(туман(шаҳар) электр таъминоти қорхонасининг номи)

_____ (кейинги ўринларда «Корхона»
(туман (шаҳар) электр тармоқлари қорхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

деб аталади) бир томондан устав асосида фаолият юритувчи

Ҳалтаарно-Найман ТЭБ
(истеъмолчининг номи)

раҳбари У. Розуқиев (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармок орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолнинг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 70900 кВт.с. реактив _____ кВтар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи

31465000 сўми, тариф бўйича _____ ташкил этади.
тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари қорхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб боровчи ёки аҳолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф буйича;

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эртабоки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шақллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмайдиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсуслот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар ҳукумат қарори билан белгиланмайдиган тарифлар буйича амалга оширилади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари буйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатилиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар бойдаланмаётган энг юқори тариф гуруҳи буйича хисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома буйича «Истеъмолчи» ва «Корхона» орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мажбур вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштиракисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-қисмига мувофиқ шаклда энергия сарфи буйича хисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Корхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «___» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифга амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар буйича электр энергия сарфи буйича хисоботда бойдаланган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунгги пайтларда бойдаланган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган сандан катти назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи бойдаланган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳам қўллашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кВТ/соатларда қайта хисоблаб чиқилиди ва «Корхона» томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат корхоналари ва устав капиталдаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда ойнинг охиригача яқуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда

2. Реактив энергиянинг иқтисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий микдори (кВар.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари буйича			
		I	II	III	IV
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Реактив энергиянинг ҳар бир хисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланмаган қувват коэффициентининг оптимал микдори хисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Хисобот даврининг якуни буйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги микдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Тарифга устима қўшилган қиймат солиғи хисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи буйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида бойдаланганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат микдоридан ортиқ бойдаланганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий микдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади; Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни старича тўдирилмаслиги хисобга қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўлаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қўлаб-қувватланган белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш хисоб-китобларида Шартномада кўрсатилганга нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициенти амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўзэнергонефтеқаз»нинг тасдиқловчи бўлганда амалга оширилади.

Тариф четирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоқининг катта юкламали соатларда реактив энергия хоси қилганда ва электр тармоқининг кичик юкламали соатларида энергия тизими Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Четирма қўшилган қиймат солиғи хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдоридан белгиланади.



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган таъкиотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. «Корхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

«Истеъмолчи» турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади.

«Корхона» томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли «Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми «Истеъмолчи» билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган «Истеъмолчи» учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлаиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдоридан, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз микдоридан пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг такқослаш далолатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакиллариға ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашш хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний улаиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдоридан тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ҲИСОБОТ

20 2 йил январь оyi бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана 25 январь 20 2 йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.а.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланиш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошланғич	охирги			Эрта-лабки тигиз вақт	Кун	Кечки тигиз вақт	Тун	
											соат 6-9	соат 9-17
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами												

Изоҳ: $7_{устун} = 6_{устун} - 5_{устун}$ табакалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами $7_{устун} = 9_{устун} + 10_{устун} + 11_{устун} + 12_{устун}$
 $+ 13_{устун}$ $8_{устун} = 7_{устун} * 4_{устун}$

Истеъмолчи раҳбари

Корхона энергетиги

М.Ў.

Ф.И.Ш.имзоси

Ф.И.Ш.имзоси

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аникланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чиқиб аникланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналарига бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аникланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.



Имзолар:



Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоинспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамада бир ой олдин электр энергиясининг зарур микдори учун «Корхона»га буюртманомга бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламалари даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

махсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (махсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳақ тўлаш қўрилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» конунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:

«Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

«Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Электр таъминотининг шартномасига
3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича мансублик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Ҳар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами _____ ток трансформатори _____ қучланиш _____
трансформатори _____ жами коэффициент _____ уланган қуввати _____ кВт
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзили _____

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____
Труба ишл.чик, Шлакоблук, Гипс, Пенька ишл.чик, Акфа ишл.чик, Набоб, Садов, Кафе, Ойхона, Устхона ва...???

1. «Истеъмолчи»нинг балансида қуйидаги электр қўрилмалар мавжуд:

а) ҳаво электр тармоғи _____

б) кабель электр тармоғи _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами _____, _____ кВА

2. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан қуйидагиларга:

а) _____
хизмат кўрсатиш «Истеъмолчи» ходимлари томонидан,

б) _____

«Истеъмолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатиш» № _____ сана _____ й.
шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатиш» шартномаси тузмаса _____
томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қўрилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: _____



Вакиллар:

(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истеъмолчи»нинг (субистеъмолчининг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва қучланиш тоифаси (кВ) қўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги корхона пломбасининг рақами	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги қўрсаткичлар и ҳисоблагич қўрсаткичи	Тариф тури сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Қучла- ниш			
Қилчиқак	CE-303	0097120360041		36	800	3600		
Найман- Бештаи	CE-303	0097120690042		40	100	4000		
МНС-14	CE-303	009211149124823		40	100	4000		

Имзолар:



электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

«Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

«Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини қўпайтириш (қамайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақида, рад этиш сабабини қўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

«Истеъмолчи»да ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, «Корхона» бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. «Корхона» «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

«Истеъмолчи» электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, «Корхона» томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сошлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди;

«Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корханаси» АЖ ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан шартномада қўрсатилган миқдордаги электр энергияси етказиб берилмаган тақдирда, «Корхона» «Истеъмолчи»га етказиб берилмай қолган электр энергияни учун моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Корхона» «Истеъмолчи»ни қарздорлиги ёки бошқа асосли сабабларга қўра электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келади барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчилиқда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 ____ йил ____ гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – коидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили

Ҳисобрақами

Банк коди (МФО)

STIR (ИНН)

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фонднинг ҳисобрақами

Банк коди (МФО)

STIR (ИНН)

Бюджетдан таъқари фонднинг ҳисобрақами

Банк коди (МФО)

STIR (ИНН)

ҚҚС тўловчининг коди

Телефонлар:

Факс:

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр рақами

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД)

DBIVT (СООГУ)

МНОВТ (СОАТО)

(КФС)

TSHK (КОПФ)

КОРХОНА:

Почта манзили

Ҳисобрақами

Банк коди (МФО)

STIR (ИНН)

ҚҚС тўловчининг коди

Телефонлар:

Факс:

Статистик кодлар:

DBIVT (СООГУ)

МНОВТ (СОАТО)

Истеъмолчи:

Корхона:

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси

юрисконсулт

Ф.И.Ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунийлик талаблари монийлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби белгиланган.

Юристкаонсулт:

(имзоси)

Электр таъминотининг шартномасига

1- илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи
2. Фаолият тури
3. «Истеъмолчи» электр қурилмаларининг уланган қуввати: кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича)
6. Ҳисоб-китоб тури:

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	36800				
Январь	34100				
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот қунига фойдаланади 24 соат, ойга 30 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобида I, II, III

Истеъмолчи

Корхона

М.Ў

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

М.Ў

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)